



Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам билан бирга Абу Сайф ал-Қайннинг уйига кирдик, - у (Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ўғиллари) Иброҳимни эмизувчи аёлнинг эри эди, - Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Иброҳимни қўлларига олиб ўпдилар ва ҳидладилар. Шундан сўнг яна киргандик, Иброҳим жон таслим қилаётган экан. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг кўзларидан ёш қуйила бошлади. Абдурахмон ибн Авф розияллоху анху: «Ё Расулуллоҳ, Сиз-а, (сиз ҳам мусибатга сабр қила олмай йиғлаяпсизми)?!», деган эди: «Эй Авфнинг ўғли, бу раҳмдилликдир», деб жавоб бердилар ва яна қўшиб қўйдилар: «Албатта кўз ёшланади, қалб маҳзун бўлади, бироқ биз фақат Раббимиз рози бўладиган сўзларни айтамыз. Эй Иброҳим, Биз сендан ажралганимиз учун қайғудамиз» (Имом Бухорий ривояти).

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам билан бирга Абу Сайф ал-Қайннинг уйига кирдик, - у (Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ўғиллари) Иброҳимни эмизувчи аёлнинг эри эди, - Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Иброҳимни қўлларига олиб ўпдилар ва ҳидладилар. Шундан сўнг яна киргандик, Иброҳим жон таслим қилаётган экан. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг кўзларидан ёш қуйила бошлади. Абдурахмон ибн Авф розияллоху анху: «Ё Расулуллоҳ, Сиз-а, (сиз ҳам мусибатга сабр қила олмай йиғлаяпсизми)?!», деган эди: «Эй Авфнинг ўғли, бу раҳмдилликдир», деб жавоб бердилар ва яна қўшиб қўйдилар: «Албатта кўз ёшланади, қалб маҳзун бўлади, бироқ биз фақат Раббимиз рози бўладиган сўзларни айтамыз. Эй Иброҳим, Биз сендан ажралганимиз учун қайғудамиз» (Имом Бухорий ривояти).



Шарҳ:

Маййитга хафа бўлиб, ачиниб йиғлаш табиий ва мубоҳ иш бўлиб, модомики Аллоҳнинг қазо-қадаридан норозилик, жазавага тушиш ва Аллоҳни рози қилмайдиган сўзлар бўлмас экан, бунинг учун Аллоҳ таоло жазоламайди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўғиллари Иброҳим вафот этганида Аллоҳнинг қазо ва қадарига тўла иймонлари ва розиликлари бўлгани ҳолда болага меҳр-шафқатлари туфайли йиғлаганлар.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Маййитга дод-фарёд солмай, Аллоҳнинг қазосидан норози бўлмай унсиз йиғлаш жоиз;
2. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам меҳр-шафқатли ва юмшоқкўнгил зот эдилар.